

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**47-сон**  
**(131)**  
**2004 й.**  
**ноябрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Учинчи бўлим*

485. «2005—2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарори

486. «Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

487. «Дипломатик корпус, халқаро ноҳукумат ҳамда маҳаллий нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалар вакиллари жазони ижро этиш тизими муассасаларига ташрифини ташкиллаштириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2004 йил 1 ноябрдаги буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 ноябрда 1425-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

488. «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товар операцияларини ва даромадларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги

низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 11 ноябрдаги 123, 2004-60, 10-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 ноябрда 1197-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

489. «Ҳисобот санасидан кейин юз берган воқеаларни банклар томонидан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/10-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 ноябрда 1426-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

490. «Тижорат банкларининг биргаликдаги фаолиятда иштирокининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/11-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 ноябрда 1427-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

491. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг радиожихозларига сертификат бериш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2004 йил 9 ноябрдаги 146-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 26 ноябрда 1428-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 20 ноябрдан 26 ноябргача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **485** 2005—2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган замонавий ўқув адабиётлари ва ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлаш, нашр этиш ва умумтаълим мактабларини улар билан таъминлашнинг комплекс тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан ишлаб чиқилган 2005—2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури 1, 1а, 1б, 1в-иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

умумтаълим мактаблари учун янги дарсликлар яратиш ва уларни нашр этиш жадвали 2-иловага\* мувофиқ;

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун янги дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни яратиш, уларни нашр этишга давлат буюртмасини жойлаштириш танлов асосида амалга оширилади;

умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни харид қилиш маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

4. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўллан-

---

\* 1-2-иловалар берилмайди.

маларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси (Р.С. Қосимов)га:

нашр этишга тавсия этилган ўқув адабиётларини танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларини мувофиқлаштириш;

ўқув адабиётларининг белгиланган давлат таълим стандартларига ва замонавий методик талабларга мувофиқлигини экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш;

қабул қилинган 2005—2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

2005—2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплекслар нашр этишнинг 1а ва 1б-иловаларга мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили келгуси йилда нашр этиш мўлжалланган ўқув адабиётларининг аниқ рўйхатини ва тиражини белгиласин ва тасдиқласин;

умумий ўрта таълимнинг такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, дарсликларга нисбатан янгиланган методик талаблар асосида ўқув адабиётлари 2-иловага мувофиқ муддатларда яратилишини ва нашр этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда, Дарсликларнинг республика айланма фондини яратишни ҳамда мактаблар ўқувчиларини ушбу фонд ҳисобига дарсликлар билан таъминлаш тартибини назарда тутувчи мактаблар ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг самарали механизмини жорий этиш юзасидан 2004 йил охиригача таклиф тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2005—2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ юқори самарали мультимедий тизимларини ҳамда ўқув адабиётлари ва қўлланмаларнинг компьютер электрон турларини яратиш дастурини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги умумтаълим мактаблари учун ўқув адабиётлари нархларининг сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан мунтазам қатъий назорат ўрнатсинлар.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 341-сон қарорининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 22 ноябрь,  
548-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ—3431-сон Фармониға мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқишға муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайди.

2. Ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркиби танлов асосида танлаб олиш йўли билан аниқланади.

3. Қуйидагилар муаллифлар таркибини танлов асосида танлаб олишнинг мақсади ва вазифалари ҳисобланади:

ўқувчиларни такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари асосида яратилган ўқув адабиётлари билан таъминлаш;

вазирликлар ва ваколатли муассасаларнинг буюртмалари асосида ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаш тизимида рақобат муҳитини яратиш, шунингдек унинг очик-ошкоралигини таъминлаш;

ўқув адабиётларини ишлаб чиқишға энг малакали мутахассисларни жалб этиш, шунингдек ёш истеъдодли муаллифлар ва муаллифлар жамоаларини қўллаб-қувватлаш.

4. Ҳам жисмоний шахслар, ҳам кадрлар салоҳиятига, таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари яратиш тажрибасига эга бўлган турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги илмий ва ўқув ташкилотлари муаллифлар таркибини танлов асосида танлаб олиш қатнашчилари бўлишлари мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (кейинги ўринларда буюртмачи деб юритилади) такомиллаштирилган давлат стандартлари ва ўқув дастурларининг босқичма-босқич жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда танлов асосида ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ўқув адабиётлари рўйхатини белгилайдилар ва Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг (кейинги ўринларда Ҳукумат комиссияси деб юритилади) тасдиғига киритадилар.

6. Ҳукумат комиссияси муаллифлар таркибини танлаб олиш асосида ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ўқув адабиётлари рўйхатини ўрганади ва тасдиқлайди.

**II. Муаллифлар таркиби танловини ўтказиш**

7. Муаллифлар таркибини танлаб олиш Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгилари-

ни яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси ҳузурида тузиладиган танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов комиссияси аъзолари сони (камида 9 киши) тоқ бўлган таркибда тузилади, унинг шахсий таркиби Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Танлов комиссияси таркибига қуйидагилар киритилади:

буюртмачининг вакиллари;

манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг (Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқалар) вакиллари; илмий-педагогик жамоатчилик вакиллари;

етакчи амалиётчи ўқитувчилар, методик кабинетлар мутахассислари, ота-оналар кўмитаси аъзолари.

Комиссияга ҳамраислар — Халқ таълими вазири ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари — Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори бошчилик қиладилар.

8. Ўқув адабиётлари лойиҳасини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлов асосида танлаб олиш ва тасдиқлашни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

9. Танлов асосида ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ўқув адабиётлари рўйхати Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқлангандан кейин танлов комиссияси оммавий ахборот воситаларида муаллифлар таркиби танланиши тўғрисида эълон беради.

Эълон буюртманомаларни қабул қилиш муддати тугашидан камида 30 кун олдин берилади.

10. Қатнашчилардан аризаларни қабул қилиш ва муаллифларни танлаб олиш тартиботларини ташкил этиш функциялари танлов комиссиясига юкланади.

11. Қатнашчилар танлов комиссиясига қуйидагилардан иборат бўлган таклифларни тақдим этадилар:

иштирок этиш учун буюртманома;

қатнашчининг сўровномаси;

ўқув адабиёти концепцияси (0,5 босма тобоққача), унда ўқув курсининг мақсади ва вазифалари, мазмуни ва тузилмасига назарий-методологик ёндашув, ўқув адабиётининг методик аппаратига асос қилиб олинadиган дидактик принциплар акс этирилиши керак;

ўқув адабиётининг режа-проспекти (бўлимлар ва мавзулар мазмунининг тезисли баёни, 1 босма тобоққача) ва битта бобнинг намуна матни.

12. Буюртманомалар тақдим этишнинг белгиланган муддати тугагандан кейин танлов комиссияси белгиланган кун ва соатда буюртманомалар мавжуд бўлган таклифларни очади.

13. Эълонда кўрсатилган охириги муддатдан кейин тушган буюртманомалар танловга қўйилмайди. Танловда иштирок этиш шартларига ва расмийлаштириш қоидаларига мувофиқ бўлмаган буюртманомалар кўриб чиқилмайди.

14. Танлов комиссияси баённома тузади, унда тушган буюртманомаларни ҳамда зарур маълумотлар ва ҳужжатлар мавжудлигини рўйхатдан ўтказди. Баённомада: тушган буюртманомалар;

танловга қўйилган қатнашчилар;

танлов қатнашчилари таркибига киритилмаган талабгорлар (уларнинг таклифлари рад этилишининг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда) тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

15. Ишлаб чиқувчи муаллифларнинг таклифларини экспертизадан ўтказишни

ташқил этиш учун танлов комиссияси томонидан илмий ва педагогик жамоатчилик, олимлар, амалиётчи ўқитувчилар, методистлар ва талаб этиладиган ихтисосликнинг бошқа мутахассисларидан иборат таркибда тегишли фанлар бўйича эксперт гуруҳи тайинланади.

Тегишли фанлар бўйича эксперт гуруҳининг шахсий таркиби танлов комиссияси томонидан тасдиқланади. Эксперт гуруҳи аъзоларининг таркиби ошқор қилинмайди.

Эксперт гуруҳи ишлаб чиқувчи муаллифларнинг тақдим этилган таклифларини уларнинг код рақамлари бўйича баҳолайди ва ўзининг асосланган хулосаларини танлов комиссиясига киритади.

16. Буюртмачининг раҳбарлари, танлов комиссияси ва эксперт гуруҳларининг аъзолари ишлаб чиқувчи муаллифлар бўлишлари мумкин эмас.

17. Танлов комиссияси эксперт гуруҳларининг хулосалари ва танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида 10 кун муддатда ғолибларни танлаб олиш учун тақдимномаларни Ҳукумат комиссиясига юборади.

Ўқув адабиётлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун муаллифлар гуруҳини танлаш ғолиблари тўғрисидаги якуний қарор Ҳукумат комиссияси томонидан қабул қилинади ва қарор тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

Танлов натижалари тўғрисидаги ахборот Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқлангандан кейин 3 кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

18. Буюртмачи Ҳукумат комиссиясининг қарори асосида ғолиблар билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув адабиётлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан шартнома тузади.


### III. Якуний қоидалар

19. Буюртмачи ўқув адабиётлари лойиҳаси ишлаб чиқилишининг мунтазам назорат қилинишини таъминлайди.

20. Ўқув адабиётлари лойиҳасини ишлаб чиқиш учун буюртма олган ғолиблар ўқув адабиётлари лойиҳасининг сифати ва ишлаб чиқиш муддатлари учун жавоб берадилар.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомга  
ИЛОВА

### Ўқув адабиётлари лойиҳасини ишлаб чиқиш учун муаллифлар таркибини танлаб олиш ва тасдиқлаш схемаси





Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни танлов асосида танлаб олиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом кейинчалик нашр этиш учун янги авлод дарсликларни ва ўқув-методик комплексларни танлаб олиш танловини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Дарсликлар ва ўқув-методик комплексларга (кейинги ўринларда ўқув адабиётлари деб юритилади) умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун яратиладиган дарсликлар, қўшимча ўқув, методик ва маълумотнома адабиётлар кирази.

3. Ўқув адабиётларини танлаб олиш танлов асосида амалга оширилади, унда фақат муаллифлар таркибини танлаб олиш ҳолиблари қатнашади. Қуйидагилар танлов йўли билан танлаб олишнинг мақсади ҳисобланади:

замонавийлаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари талабларига мувофиқ ўқув адабиётлари мазмунини такомиллаштириш, уларнинг дизайни сифатини ошириш;

ўқув адабиётлари яратиш жараёнида рақобат муҳитини шакллантириш, ёш муаллифлар ва муаллифлар жамоаларини қўллаб-қувватлаш.

4. Танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда Ҳукумат комиссияси деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

5. Ўқув адабиётларини танлов асосида танлаб олиш аъзолари сони (камида 9 киши) тоқ бўлган, шахсий таркиби эса Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган танлов комиссияси томонидан ўтказилади. Танлов комиссияси таркибига қуйидагилар киритилади:

бююртмачининг — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (тегишлилигига кўра) вакиллари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Республика таълим маркази ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази мутахассислари;

идоравий мансуб таълим муассасаларига эга бўлган бошқа вазирликлар ва идораларнинг вакиллари;

Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ва бошқа тегишли илмий-тадқиқот таълим муассасалари ходимлари;

умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг етакчи амалиётчи ўқитувчилари;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакиллари.

## II. Танлов орқали танлаб олишни ўтказишга тайёргарлик кўриш

6. Ўқув адабиётларини танлов орқали танлаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Танлов комиссияси танлов бошланишидан 120 кун олдин оммавий ахборот воситаларида танлов ўтказилиши тўғрисида эълон беради. Эълонда қуйидагилар кўрсатилади:

ишлаб чиқилиши мўлжалланаётган ўқув адабиётлари рўйхати;

танлов таклифларини қабул қилиш ва танловни ўтказиш муддатлари;

танлов ҳужжатларини ва танлов шартлари тўғрисида қўшимча ахборотни олиш учун манзил, боғланиладиган шахслар ва телефон рақамлари.

8. Тайёргарлик кўриш муддати, танлов таклифларини қабул қилишнинг охири санаси ва соати, шунингдек таклифларни очиш куни ва вақти танлов комиссияси томонидан белгиланади, у танлов ҳужжатларини тайёрлаш ва тарқатишни ташкил этади, талабгорларга маслаҳатлар беради, аризаларни қабул қилади, танлов таклифларининг ҳисобга олинисини, сақланиши ва махфийлигини таъминлайди.

9. Танлов ҳужжатлари қуйидагилардан иборат бўлади:

танлов орқали танлаб олишда қатнашиш учун бериладиган буюртманоманинг намунавий шакли;

ишлаб чиқиш мўлжалланган ўқув адабиётлари рўйхати;

танлов қатнашчиси учун йўриқнома;

танлов таклифларини баҳолаш мезонлари;

ўқув адабиётларини нашр этиш ҳуқуқини берувчи шартноманинг намунавий шакли.

10. Танлов ҳужжатлари фақат талабгорларга — муаллифлар таркибини танлаб олиш танлови ғолибларига, ўқув адабиётлари лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан шартнома тузилган шахсларга юборилади.

11. Танлов таклифларини тайёрлаш даври оммавий ахборот воситаларида эълон берилган ёки танлов қатнашчиси расмий равишда хабардор қилинган (таклиф этилган) санадан бошлаб камида 120 кунни ташкил қилади.

12. Талабгорлар танлов таклифи сифатида қатнашиш учун буюртманома, ўқув адабиётларининг қўлёзмаси ёки макетини тақдим этадилар.

13. Танлов орқали танлаб олишда қатнашиш учун бериладиган буюртманомادا қуйидагилар кўрсатилади:

таклиф этилаётган ўқув адабиётининг номи;

умумий маълумотлар ҳамда ўқув адабиётлари муаллифи (муаллифлари)нинг тажрибаси ва касб-малака даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

муаллифнинг почта ва электрон манзили (мавжуд бўлса), телефони ва телефакси (мавжуд бўлса) рақамлари.

14. Танлов таклифлари қатнашчи учун йўриқномада назарда тутилган шартлар асосида ишлаб чиқилади, унда қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

танловга тақдим этилаётган ҳужжатларнинг рўйхати ва уларга қўйиладиган талаблар;

ўқув адабиётини яратиш ва расмийлаштиришга қўйиладиган педагогик ва техник талаблар;

танлов таклифлари туркумини шакллантириш тартиботига қўйиладиган талаблар ва уни танлов комиссиясига бериш усуллари;

танлов орқали танлаб олиш доирасида тузилган ҳар қандай ҳужжатнинг махфийлигига изоҳ;

буюртманомалар ва танлов таклифларини қабул қилишнинг энг сўнгги муддатлари;

танловни ўтказиш тартиботлари тавсифи ва муддатлари;

ғолибни аниқлаш ва шартнома тузиш тартибининг тавсифи;

танлов орқали танлаб олишга доир тушунтиришлар олиш учун манзил ва боғланиш телефонлари.

15. Танлов таклифлари муҳрланган ҳолда қабул қилинади. Белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди ва конвертлар очилмаган ҳолда талабгорларга қайтарилади.

Танлов иштирокчиси томонидан танлов таклифларининг тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этилиши ҳам унинг таклифи рад этилиши учун асос бўлиши мумкин.

16. Танлов қатнашчиси танлов таклифларини тақдим этишнинг сўнгги санаси ва вақтидан кейин ўз таклифига ўзгартиришлар киритишга ёки уни қайтариб олишга ҳақли эмас.

### **III. Танлов орқали танлаб олишни ўтказиш шартлари**

17. Буюртманомалар беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгандан кейин танлов комиссияси белгиланган кун ва соатда танлов таклифлари жойланган конвертларни очади.

Танлов таклифлари жойланган конвертларни очиш танлов комиссияси аъзолари ва танловда қатнашаётган ўқув адабиётлари муаллифлари иштирокида амалга оширилади.

18. Конвертлар очилгандан кейин комиссия баённома тузади, унда тушган таклифларни ҳамда зарур маълумотлар ва ҳужжатлар мавжуд эканлигини қайд этади. Баённомада қуйидагилар тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак:

тушган таклифлар;

танловга қўйилган қатнашчилар, уларнинг код рақамлари;

танлов қатнашчилари таркибига киритилмаган талабгорларнинг таклифлари рад этилишининг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати.

19. Ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказиш ва баҳолашни ташкил қилиш учун танлов комиссияси томонидан илмий ва педагогик жамоатчилик, олимлар, амалиётчи ўқитувчилар, методистлар ва муайян ихтисосликнинг бошқа мутахассисларидан иборат таркибда тегишли фан бўйича эксперт гуруҳи тайинланади. Эксперт гуруҳи аъзолари таркиби ошкор қилинмайди.

20. Танловда қатнашаётган ўқув адабиётларини эксперт баҳолаш комиссия томонидан белгиланган муддатларда, бироқ 30 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади.

21. Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади.

Қуйидагилар ўқув адабиётларини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

ўқув адабиётларининг давлат таълим стандартларига, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқлик даражаси;

таклиф этилаётган ўқув материалнинг узвийлиги ва изчиллиги таъминланганлиги даражаси, шунингдек предметлараро алоқанинг таъминланиши;

таклиф этилаётган ўқув материалнинг илмий-педагогик асосланганлиги;

предметга миллий мустақиллик ғояларининг сингдирилганлиги даражаси;

ўқув материалнинг таълим олаётганларнинг психологик ва ёш хусусиятларига, шунингдек уларнинг билимлари даражасига мувофиқлиги;

баён этиш тилининг равонлиги, таклиф этилаётган материалнинг кўргазмалиги ва расмлар илова қилинганлиги;

назарий материалнинг машқлар, вазифалар ва амалий машғулотлар билан мақбул нисбати;

таклиф этилаётган макет дизайнининг сифати.

22. Баҳолаш мезонлари тафсилотлари танлов комиссияси томонидан танлов таклифлари конвертлари очилгунга қадар амалга оширилади. Танлов пайтида мезонларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

23. Тушган ўқув адабиётини кўриб чиқиш ва баҳолаш тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ва танлаб олиш тартиботларига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Комиссия ва эксперт гуруҳи аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

24. Эксперт гуруҳи танлов қатнашчиларининг тақдим этилган таклифларини уларнинг код рақамлари бўйича баҳолайди ҳамда ўзининг асосланган хулосаларини танлов комиссиясига киритади.

Танлов комиссияси эксперт гуруҳлар хулосалари ҳамда танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида 10 кун муддатда Ҳукумат комиссиясига ғолибларни танлаб олиш бўйича тавсиянома юборади.

Ғолибни аниқлаш тўғрисидаги узил-кесил қарор Ҳукумат комиссияси томонидан қабул қилинади, қарор тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

25. Танлов якунлари ғолиб аниқлангандан кейин 3 кундан кечикмай оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

26. Ҳукумат комиссияси қарори асосида буюртмачи билан қўлёзма муаллифи (муаллифлар жамоаси) ўртасида ўқув адабиётларини нашр этиш тўғрисида шартнома имзоланади.

Шартнома Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиши ва ўқув адабиётларини ишлаб чиққанлик учун моддий рағбатлантириш, уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, низоларни ҳал этиш шартларини ҳамда шартнома тузишдаги бошқа мажбурий шартларни акс эттириши зарур.


#### IV. Якуний қоидалар

27. Танловнинг ҳар бир қатнашчиси мазкур Низомда белгиланган танлов асосида танлаб олишни ўтказиш шартларига риоя этилиши ва натижаларнинг ҳолислиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

28. Танлов асосида танлаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус,  
касб-хунар таълими таълим муассасалари  
учун дарсликлар ва ўқув-методик  
комплексларни танлов асосида танлаб  
олиш тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Ўқув адабиётлари лойиҳаларини танлов асосида танлаб  
олишни ташкил этиш ва ўтказиш схемаси**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 22 ноябрдаги 548-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими  
таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик  
комплексларни нашр этиш юзасидан тендер савдолари  
ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш учун давлат буюртмасини жойлаштириш юзасидан тендер савдоларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари танловида танлаб олинган дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этишда тендер савдолари ўтказишга татбиқ этилади.

Дарсликлар ва ўқув-методик комплексларга (кейинги ўринларда ўқув адабиёти деб юритилади) дарсликлар, қўшимча ўқув, методик ва маълумотнома адабиётлар киради.

3. Ўқув адабиётини нашр этишда тендер савдолари бир контракт бўйича 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдордан ошмайдиган суммага ўтказилади.

Бир контракт 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдордан кам бўлганда ношир рақобат таклифларини танлаш йўли билан аниқланади.

4. Хорижий кредитлар маблағлари (грантлар) ҳисобига ўқув адабиёти нашр этишда мазкур Низомнинг талаблари тавсия хусусиятига эга бўлади ва, агар хорижий кредитлар ва грантларни бериш шартларига кўра савдоларни ўтказишнинг ўзгача тартиби белгиланган бўлса, қўлланилиши мумкин эмас.

5. Тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги қарор Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда Ҳукумат комиссияси деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Нашр этиш учун тендер савдолари фақат ҳуқуқ эгасига рухсатнома мавжуд бўлиши шarti билан Ҳукумат комиссиясининг қарорига мувофиқ танловда танлаб олиш ёлиби деб эътироф этилган ўқув адабиётига эълон қилиниши мумкин.

6. Қуйидагилар тендер савдоларининг мақсади ҳисобланади:

ўқув адабиётининг техник жиҳатдан бажарилиши сифатини ошириш ва ундан узоқ муддат фойдаланилишини таъминлаш;

ўқув адабиётини нашр этиш жараёнида рақобат муҳитини яратиш, ноширлик ва матбаа фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг тендерларда иштирок этишини кенгайтириш ва рағбатлантириш, шунингдек уларнинг тенг ҳуқуқли иштирок этишини таъминлаш, мазкур жараёнга кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб этиш;

ўқув адабиётини нашр этишга йўналтирилдиган давлат бюджети, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

7. Ошкоралик, талабларнинг ягоналиги ва қарорлар қабул қилишдаги ҳолислик ҳамда савдонинг барча қатнашчилари учун тенг рақобат шарт-шароитлари яра-

тиш тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий принциплари ҳисобланади.

8. Ўқув адабиёти нашр этишга тендер савдолари мазкур Низомга иловага мувофиқ бир босқичли икки конвертли тартиб-қоида бўйича ахборотнома очиқ эълон қилиниши йўли билан ўтказилади.

## II. Тендер савдоларининг қатнашчилари

9. Буюртмачи, тендер комиссияси, тендер савдоларининг ташкилотчиси ва оферентлар тендер савдоларининг асосий қатнашчилари ҳисобланади.

10. Буюртмачи (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази): расмий фармойиш берувчи ҳужжат (буйруқ) чиқарган ҳолда тендер ўтказиш шакли, тури, санаси, жойи ва шартларини белгилайди;

ўқув адабиётининг бошланғич қийматини мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этган ҳолда белгилайди;

талабгорларнинг малакасига қўйиладиган асосий талабларни, ўқув адабиётига қўйиладиган махсус ва техник талабларни белгилайди;

тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилиши назорат қилинишини таъминлайди ва уларни тасдиқлайди;

тендер савдоларининг қолиби билан контракт тузади.

11. Тендер комиссияси ўқув адабиётини нашр этишга давлат буюртмасини жойлаштириш учун тендер савдоларини ўтказиш бўйича доимий орган ҳисобланади. Комиссиянинг сон таркиби аъзоларнинг тоқ сонидан, қоидага кўра, камида 11 кишидан иборат бўлади. Буюртмачининг раҳбари ёки унинг ўринбосарларидан бири комиссия раиси ҳисобланади. Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган комиссия таркибига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг (тендер Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ўтказилган тақдирда);

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг (мансублилигига кўра);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;

хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг;

китоб нашр этиш соҳасидаги мустақил эксперт ташкилотларининг вакиллари мажбурий тартибда киритилади.

Буюртмачининг ёки унинг идоравий мансуб корхоналари ва ташкилотларининг вакиллари сони тендер комиссияси умумий таркибининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

12. Тендер комиссияси:

тендер ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

тендер таклифларини баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;

тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги куни ва вақтини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди;

тегишлича расмийлаштирган ҳолда тендер савдоларини ўтказди;

таклифлар билдирилган конвертларни очди, уларнинг тендер ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;

баҳолаш гуруҳи жалб этиладиган мустақил экспертлар ёки маслаҳатчилар ишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

тендер қатнашчиларидан тушган таклифлар бўйича Ҳукумат комиссиясига хулоса киритади.

13. Тендер савдоларининг ташкилотчиси (буюртмачининг таклифига кўра тендер комиссияси томонидан тайинланадиган ишчи гуруҳ ёки буюртмачи томонидан шартнома асосида жалб этиладиган консалтинг компанияси):

тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни талабгорларга тақдим этади;

тендер ўтказилиши тўғрисида эълон беради ва потенциал талабгорларга таклифномалар юборилишини таъминлайди;

тендер таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди;

аризалар ва тендер таклифларини қабул қилади, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлайди;

тендер таклифларининг асл нусхаларини конвертларни очиш ва тендер ўтказиш учун тендер комиссиясига тақдим этади.

Савдоларни ташкил этиш учун консалтинг компанияси жалб этилган тақдирда тендер савдолари ташкилотчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг билан буюртмачи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

14. Экспертизани ташкил этиш ва тендер таклифларини баҳолаш учун тендер комиссияси томонидан баҳолаш гуруҳи тайинланади. Баҳолаш гуруҳи тендер комиссияси аъзоларидан ёки ўқув адабиётини нашр этиш ва китоб нашри технологияси соҳасидаги ваколатли камида беш мутахассисдан иборат таркибдаги мустақил экспертлар (маслаҳатчилар)дан ташкил этилади.

15. Баҳолаш гуруҳининг шахсий таркиби тендер комиссияси томонидан тасдиқланади ва тендер савдолари тугаллангунга қадар махфий ахборот ҳисобланади.

16. Баҳолаш гуруҳи:

тендер таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

тендер ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ баллар кўяди;

энг яхши тендер таклифини аниқлайди ва савдо ғолибини аниқлаш ва тасдиқлаш учун тендер комиссиясига хулоса киритади.

17. Мулкчилик шаклларида қатъи назар, нашриёт-матбаа фаолиятида тажрибага эга бўлган ҳам мамлакатимизнинг ташкилотлари, ҳам хорижий ташкилотлар тендер савдоларининг оферентлари – қатнашчилари бўлишлари мумкин.

18. Савдоларда иштирок этишга:

тендер савдолари эълон қилинган санада рўйхатдан ўтказиш пайтидан бошлаб ўз фаолиятини 6 ойдан кам муддатда амалга ошираётган;

илгари тузилган контрактлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур тарзда бажармаган;

қайта ташкил этиш (бўлиш, қўшиш ва хоказо), тугатиш ёки банкротлик босқичида турган;

суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида турган ташкилотлар, корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қўйилмайди.

19. Тендер комиссияси аъзоларидан кимгадир бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотлар савдо қатнашчилари бўлиши мумкин эмас.

20. Тендер савдолари қатнашчилари:

тендер таклифларини тайёрлайдилар ва савдо ташкилотчисига тақдим этадилар;

уларнинг фаолиятини ва молиявий ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этадилар (тендер комиссиясининг сўровига кўра);

тендер таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз манбаларидан қоплайдилар;



тендер савдоларида ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан контракт тузадилар.

### III. Тендер ҳужжатлари

21. Тендер комиссияси қўйидагиларни ўз ичига олувчи тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ташкил этади, тендер савдоларининг ташкилотчиси эса уларнинг ишлаб чиқилишини таъминлайди:

тендер савдолари қатнашчилари учун йўриқнома;

қатнашчиларга қўйиладиган малака талаблари;

нашр этиладиган ўқув адабиётларининг рўйхати, техник талаблари ва ўзига хослиги;

тендер таклифининг шакли;

контракт проформаси.

22. Тендер савдолари қатнашчиси учун йўриқномада қўйидагилар мавжуд бўлади: тушунтириш олиш мумкин бўлган савдо ташкилотчиси вакилининг манзили ва боғланиш телефонлари кўрсатилган ҳолда тендерда иштирок этишга таклифнома; тендер савдоларида қатнашиш учун талабгорларнинг буюртманомалари шакли намунаси;

расмийлаштириш тартиби, шу жумладан тендер таклифи тузилиши керак бўлган тил, шунингдек виза қўйишга ва нусхалар сонига қўйиладиган талаблар;

тендер таклифи тендер комиссиясига тақдим этилгандан кейин унга ўзгартиришлар киритиш ва уни расмийлаштириш тартиби;

нарх бўйича кўрсатма;

таклифларни тендер комиссиясига бериш тартибига қўйиладиган талаблар;

тендер таклифининг амал қилиш муддати;

қайд этилган вақт мобайнида тендер қатнашчиси таклифига жавоб берилмаслигини кафолатловчи тендер таклифига кафолат миқдори, уни қўйиш тартиби ва қайтариш тартиби;

тендер ҳужжатлари талабларига асосланган таклиф билан биргаликда савдо қатнашчиларига қарши таклифлар бериш имконияти тўғрисидаги ахборот;

таклифлар билдирилган конвертларни очиш тартиб-қоидаси тавсифи, уларни баҳолаш ва тендер ғолибини аниқлаш муддатлари;

тендер таклифларини баҳолаш мезонлари;

ўтказилаётган савдо доирасида тузиладиган ҳужжатларнинг махфийлигига изоҳ.

23. Талабгорларга тендерда қатнашиш учун қўйидаги малака талаблари қўйилади:

шартнома тузишга фуқаролик ҳуқуқий лаёқати ва ваколатлари (қатнашчининг рўйхатдан ўтказилганлиги ва суд мажбуриятлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборот ҳамда фаолиятнинг мазкур турини амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар);

талабгорнинг устав сармояси миқдори ва молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари (белгиланган тартибда тасдиқланган);

ишлаб чиқариш базаси, давлат буюртмасининг бутун ҳажмини бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва малакали мутахассислар мавжудлиги;

ўқув адабиётини нашр этиш учун мўлжалланган қийматнинг камида 20 фоизи миқдорида бўш айланма маблағлар мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банкнинг ишонч хати;

китоб, шу жумладан ўқув адабиёти нашр этишга доир иш тажрибаси;

тендер савдоларига қўйилган ўқув адабиётини нашр этишнинг прогнозлаштирилаётган ҳажми (фақат ўз кучлари билан нашр этилиши мумкин бўлган ҳажм, фоизларда).

Тендер савдоларида қатнашиш учун талабгорга буюртмачи томонидан белгиладиган, бироқ талабгорларнинг ўз тижорат сири муҳофаза қилиниши ҳуқуқини бузмайдиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

24. Нашр этиладиган ўқув адабиётларининг рўйхати, техник талаблари ва ўзига хослиги қуйидагиларни ўз ичига олади:

номи ва нусхаси;

тузилма ва макетга қўйилган талаблар;

қоғоз формати ва сифати, бўёқларнинг ҳажми ва сони, материаллар ва матбаанинг сифати;

нашр этилаётган ўқув адабиётининг юқори сифати ва узоқ муддат фойдаланилишини таъминлашга қўмаклашадиган бошқа технологик талаблар.

25. Тендер таклифи:

техник таклиф;

тижорат таклифи;

вакилга берилган ишончнома;

мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш шакллари;

ўқув адабиётини нашр этиш жадвалидан иборат бўлади.

26. Тендер ҳужжатлари, шу жумладан тендер таклифларини ўраб жойлаш ва маркалашга қўйиладиган талаблар, таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

27. Контракт проформаси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади ва ўқув адабиётини нашр этиш шартлари, нархи ва жадвалини, хизматларнинг манбалари ва ҳақ тўлаш шаклини, тўловлар шартлари ва жадвалини, томонларнинг мажбуриятларини, низоларни ҳал этиш тартибини, шунингдек битишувлар тузишда мажбурий бўлган бошқа шартлар ва ҳолатларни ўз ичига олиши керак.

Контракт проформасини тузишда буюртмачи ёки тендер савдолари ташкилотчиси шартнома асосида ихтисослаштирилган консалтинг компанияларига маслаҳат сўраб мурожаат қилишга ҳақлидир.

28. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар тендер савдолари ташкилотчиси тендер ҳужжатларини сотиб олган талабгорларни дарҳол улар тўғрисида маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда унинг муддатини узайтириб тендер ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир.

29. Тендер савдолари ташкилотчиси талабгорнинг сўровига кўра тендер таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 10 кун олдин сўров манбаини кўрсатмаган ҳолда тендер савдоларининг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб тендер ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

30. Тендер комиссияси, савдо ташкилотчиси ва талабгорлар ўртасида хабар, билдиришнома ва бошқа ахборотни айирбошлаш ёзма шаклда амалга оширилади.

#### **IV. Тендер савдоларини ўтказиш тартиби ва шартлари**

31. Оммавий ахборот воситаларида тендер савдолари ўтказиш тўғрисида расмий эълон берилган сана ёки талабгорга почта (сана почта штемпели бўйича аниқланади), телефакс ёки бошқа шаклда қатнашиш учун расмий билдиришнома (таклифнома) юборилган сана савдо очилган сана ҳисобланади.

32. Тендер савдолари тўғрисидаги эълон марказий ва бошқа энг кўп тарқалган ёхуд ихтисослаштирилган газета ва журналларда тендер таклифлари билдирилган конвертлар расмий очилишидан камида 30 кун олдин эълон қилинади.

33. Эълонда қуйидагилар кўрсатилади:  
буюртмачининг номи ва манзили;  
давлат буюртмасини шакллантириш манбалари;  
нашр этиш мўлжалланган ўқув адабиётининг номи ва нусхаси;  
талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар ва талаблар;  
тендер ҳужжатлари олинадиган жой (тендер савдолари ташкилотчисининг манзили, алоқа телефони ва телефакси);  
тендер ҳужжатлари учун ҳақ тўлаш қиймати ва тендер таклифи беришда тендер қатнашчиси учун закалат суммаси;  
закалат суммасини ва тендер ҳужжатлари учун ҳақ тўлаш шартлари, уларни тўлаш учун банк реквизитлари;  
тендер ҳужжатларини тақдим этиш жойи, охириги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда);  
тендер таклифлари билдирилган конвертларни очиш жойи, куни ва вақти.
34. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар эълон берилгандан кейин савдо ташкилотчисидан тендер ҳужжатларини оладилар.  
Тендер ҳужжатлари учун тўлов миқдори буюртмачи томонидан тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш, нусхасини кўпайтириш ва тарқатиш бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш қийматидан келиб чиқиб белгиланади.
35. Тендер таклифлари тендер ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади ва бир пакетга солинган икки конвертда тақдим этилади:  
биринчи конверт техник таклиф ҳисобланади ва қатнашчининг малакаси ва молиявий ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатлардан, закалат тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатларидан (нашр этилаётган ўқув адабиётининг ҳисобланган қийматининг бир фоизидан беш фоизигача тендер комиссияси томонидан белгиланадиган миқдорда), ўқув адабиёти макетидан иборат бўлади;  
иккинчи конверт тижорат таклифи ҳисобланади ва нарх таклифларини, бўлиши мумкин бўлган чегирмаларни, таклиф этилаётган жадвални ва ўқув адабиётини нашр этиш муддатларини ўз ичига олади.
36. Ташқи пакетда қатнашчининг номи ва манзили, тендер савдоси ташкилотчисининг номи ва манзили, таклифноманинг тартиб рақами ёзилиши керак. Ички конвертда қатнашчининг номи ва манзили, тендер савдоси ташкилотчисининг номи ва манзили, нашр этиш таклиф этилаётган ўқув адабиётининг номи ва таклифноманинг тартиб рақами кўрсатилади.
37. Тендер таклифининг тегишли равишда «Асл нусха» ва «Нусха» сўзлари билан белги қўйилган, талабгорнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган асл нусхаси ва нусхаси тендер савдолари ташкилотчисига муҳрланган шаклда юборилади.
38. Тендер таклифининг амал қилиш муддати тендер ҳужжатларида белгиланади.  
Қатнашчилар ўзларининг тендер таклифларини уларни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тамом бўлгунга қадар қайтариб олишлари мумкин. Тақдим этиш муддати тамом бўлгандан кейин тушган тендер таклифи кўриб чиқилмайди ва конвертлар очилмасдан савдо қатнашчисига қайтарилади.
39. Тендер таклифларини тақдим этиш санаси тендер савдолари ташкилотчисининг почта билдиришномаси олинганлиги тўғрисидаги белгиси ёки чопар билан юборилган тендер таклифлари рўйхатдан ўтказилган сана бўйича аниқланади.
40. Тендер таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кун ва соатда комиссия тендер таклифлари билдирилган ташқи пакетни ва техник таклифлар билдирилган биринчи конвертни очади.

Пакетлар ва техник таклифлар билдирилган конвертлар ҳозир бўлиш истагини билдирган тендер қатнашчилари ёки уларнинг тўлақонли вакиллари ҳозирлигида очилади.

Тижорат таклифлари билдирилган таклифлар мухрланган шаклда қолади ва навбатдаги мажлисгача тендер савдолари ташкилотчисининг темир сандиғида сақланади. Иккинчи конвертдаги ҳужжатларнинг сақланиши учун тендер савдолари ташкилотчиси жавоб беради.

41. Пакет ва биринчи конверт очилгандан кейин савдо қатнашчиларининг номлари ўқилади, савдо шартлари ва тартиб-қоидаларига риоя қилиш, тегишли ҳужжатлар мавжудлиги текширилади.

42. Ҳужжатлар пакетида тендер ҳужжатларига қўйиладиган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

Тендер комиссияси, улар бошқа қатнашчиларнинг рейтингига таъсир кўрсатмаса ва уларга йўл қўйган тендер савдоси қатнашчисига устунликлар бермаса, тендер ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга номувофиқлигини ёки тендер таклифларини расмийлаштиришдаги ноаниқликларни эътиборга олмаслиги мумкин.

43. Тендер комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада савдо қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва савдоларга қўйилмаган таклифлар баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

44. Тендер комиссияси мажлисининг натижалари тўғрисидаги ахборот ҳозир бўлмаган талабгорга ёзма шаклда етказилади. Тендер таклифлари билдирилган конвертларни очиш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

45. Техник таклифлар ўрганиш, таҳлил этиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳига берилади. Таклифларни баҳолашда қатнашчининг малакаси ва молиявий аҳволи, ўқув адабиёти намуналари параметрларининг буюртмачи томонидан белгиланган техник талаблар ва ўзига хосликларга мувофиқлиги мажбурий тартибда эътиборга олинади.

46. Таклифларни баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган ҳар бир баҳолаш мезони бўйича баллар қўйиш йўли билан амалга оширилади. Савдо қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари тендер таклифларини баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас.

47. Баҳолаш давомида тендер комиссияси тушунтиришлар олиш учун қатнашчиларга ёзма равишда мурожаат қилиш, улардан қўшимча маълумотлар ва тасдиқномалар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

48. Қатнашчининг малака маълумотлари тўғрисида ишончсиз ахборот аниқланган тақдирда тендер комиссиясининг қарори билан талабгор тендер савдолари тартиботида бундан кейин иштирок этишдан четлаштирилади.

49. Таклифлари мақбул деб эътироф этилган қатнашчилар тижорат таклифларини баҳолашга қўйиладилар. Техник таклифларни баҳолаш шартларига кўра ўтмаган қатнашчилар бундан кейин тендерда қатнашишдан четлатиладилар.

50. Тендер комиссияси томонидан тижорат таклифларини баҳолашга қўйилган қатнашчилар рўйхати маъқуллангандан кейин белгиланган манзил бўйича, кўрсатилган кун ва соатда тижорат таклифлари билдирилган конвертлар кўпчиликнинг олдида очилади.

51. Иккинчи пакетга солинган барча талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда тендер комиссияси уларни экспертиза қилиш ва баҳолаш учун баҳолаш гуруҳига беради.

52. Баҳолаш гуруҳи таклиф этилаётган қийматни (нархни), кафолат мажбуриятлари шартларини, ишларни бажариш муддатлари ва тартибини, қатнашчиларнинг бошқа тижорат ва ташкилий устунликларини кўриб чиқади.

53. Тендер таклифларини баҳолашнинг умумий даври тендер комиссияси томонидан белгиланади ва у таклифлар билдирилган конвертлар расман очилган пайдан бошланади ва 30 календарь кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

54. Тендер таклифларини баҳолаш ва савдо ғолибини аниқлаш тендер комиссияси томонидан унинг мажлиси бошлангунга қадар тасдиқланган мезонлар асосида амалга оширилади. Танлов пайтида мезонларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди.

55. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши ва уларнинг тендер комиссияси ва баҳолаш гуруҳи аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Тендер комиссияси ва баҳолаш гуруҳи аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

56. Тендер ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда тендер комиссияси:

талабгорга тендер таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, агар ўқув адабиёти бирлиги нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, ўқув адабиёти бирлиги нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма билан рақамда кўрсатилган сумма ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма устунлик қилади.

57. Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш якунлари йиғиндиси бўйича тендер таклифи энг кўп балл олган қатнашчи савдонинг ғолиби деб эълон қилинади. Балларнинг якуний йиғиндиси тенг бўлган тақдирда энг кам нарх таклифларини таклиф этган қатнашчига устунлик берилади.

58. Якун чиқариш ва савдонинг ғолиби тўғрисидаги қарор тендер комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда баҳолаш гуруҳининг хулосалари натижаларига ва тендер комиссияси аъзоларининг яқка тартибдаги хулосасига асосланилади. Қарор тендер комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

59. Тендер комиссиясининг якуний баённомасида ғолиб ва захирадаги қатнашчилар, тендер комиссияси таркиби, баҳолаш гуруҳининг хулосаси, қатнашчиларнинг тендер таклифлари йиғма жадвали ва ғолиб билан контракт имзоланишнинг мўлжалланаётган муддатлари тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлади.

Баённома ҳозир бўлган аъзолар томонидан имзоланиши ва тендер комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

Тендер комиссияси ғолиблар аниқланган кундан бошлаб 10 кун мобайнида натижаларни тасдиқлаш учун Ҳукумат комиссиясига юборади.

Ғолибни аниқлаш тўғрисидаги қарор Ҳукумат комиссияси томонидан қабул қилинади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

60. Тендер савдолари ташкилотчиси тендер савдолари ғолибига савдо якунлангандан кейин уч кундан кечикмай ёзма билдиришнома юборади ва якунларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

61. Буюртмачи ва тендер савдолари ғолиблари ўртасидаги контракт тендер савдолари ғолиби билдиришномани олган кундан бошлаб ўн кун муддатда тузилади.

62. Агар тендер савдолари холиби контракт тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда контрактни бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда буюртмачи тендер комиссияси билан биргаликда таклифи иккинчи баҳони олган қатнашчини тендер савдолари холиби деб эътироф этиши ёки такрорий тендер савдолари ўтказишни тайинлаши мумкин.

#### **V. Яқуний қоидалар**

63. Тендер комиссияси мажлисини ўтказиш учун кворум унинг аъзоларининг камида учдан икки қисмини ташкил этади. Агар тендер комиссияси мажлисида комиссия раиси ва унинг ўринбосари қатнашмаса ёхуд кворум мавжуд бўлмаса тендер комиссияси мажлиси ҳуқуқий ваколатли ҳисобланмайди.

64. Қуйидаги ҳолларда, агар:

тендер таклифларини тақдим этишнинг энг охири муддатигача фақат битта таклиф тушса;

барча тендер таклифлари тендер ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча тендер таклифларида тендер ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари ўқув адабиётининг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса, тендер савдолари бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади.

65. Тендер савдоларининг бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши савдо қатнашчиларидан бирон-бирининг мулкӣ ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

66. Агар тендер савдолари бўлмаган деб эътироф этилса, такрорий тендер савдолари ўтказилади, унда тендер ҳужжатлари шартларини қайта кўриб чиқишга йўл қўйилади.

67. Закалат:

тендер савдолари холибига — контракт бажарилишининг талаб этиладиган таъминланиши (кафолати) тақдим этилиши бўйича контракт тузилгандан кейин;

қолган қатнашчиларга — тендер савдолари холиби билан контракт тузилгандан кейин, бироқ тендер таклифлари амал қилиши муддатидан кечикмай;

ўз таклифини таклифни тақдим этишнинг охири куни ва вақти тамом бўлгунга қадар қайтариб олган қатнашчига қайтарилади.

Закалат қайтариш учун асослар пайдо бўлган пайтдан бошлаб беш кун мобайнида қайтарилади.

68. Закалат:

таклифни тақдим этишнинг охири куни ва вақти тамом бўлгандан кейин ўз таклифига ўзгартириш киритган ёки уни қайтариб олган қатнашчига;


таклифи амал қилиши даврида ўз таклифини қайтариб олган, тендер ҳужжатларида белгиланган шартларда контракт тузишни ёки контракт бажарилишининг талаб этиладиган таъминланишини (кафолатини) тақдим этишни рад этган тендер савдолари холибига қайтарилмайди.

69. Савдоларнинг ҳар бир қатнашчиси мазкур Низом билан белгиланган тендер савдоларини ўтказиш қоидалари ва тартиботларига риоя этилиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда натижаларнинг холислиги учун жавоб беради.

70. Тендер савдолари ўтказилиши муносабати билан пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни нашр этиш юзасидан тендер савдолари ўтказиш тартиби тўғрисида низомга ИЛОВА

**Ўқув адабиётини нашр этиш ҳуқуқи учун тендер савдолари ўтказиш схемаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **486** Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, ахборот хизматларининг тобора кенгайиб бораётган турлари, кўламлари ва ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда, ахборотларнинг тезкорлиги, қулайлиги ва ишончлилигини, ахборот инфратузилмасини ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази негизида бошқарув ходимларининг чекланган сони 62 нафар бўлган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

миллий ахборот макони ва оммавий коммуникациялар воситалари фаолиятининг, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернетнинг глобал тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситаларининг ҳамда матбаа маҳсулотларининг тизимли мониторингини олиб бориш;

оммавий коммуникация воситаларида тарқатиладиган ахборот материаллари мазмунининг ахборот муҳитида шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни, фуқароларнинг ижтимоий онгига бузғунчи салбий ахборот-руҳий таъсирнинг олдини олишга, миллий-маданий анъаналарни сақлаб қолиш ва уларнинг узвийлигини таъминлашга йўналтирилган республика қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиш;

мамлакатимизнинг оммавий ахборот ва коммуникация воситалари самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш, миллий ахборот бозорининг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

оммавий коммуникациялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолияти мониторинги натижалари бўйича умумлаштириш ҳамда қонун ҳужжатлари талабларининг аниқланган бузилишлари бўйича тавсиялар, огоҳлантиришлар ва хулосалар бериш;

янги технологиялар жорий этилишига қараб оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштириш, ахборот ресурсларини, ахборотни узатиш ва тарқатиш тизимлари ва воситаларини шакллантириш;

қонун ҳужжатларини, ахборот соҳасида норматив-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибани, замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда оммавий коммуникация воситаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази тузилмаси ва Низоми 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.



Белгилаб қўйилсинки, Марказ юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат ташкилотлар, ахборот хизматлари бозори субъектлари билан белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қилади.

Белгилансинки, Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази вилоятлар бўлимлари фаолиятига тезкор раҳбарлик қилиш ва уни мувофиқлаштириш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказининг хулосалари:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ахборот хизматлари соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш, лицензиялар беришни рад этиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уларни бекор қилиш, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳномалар бериш ҳақида қарорлар қабул қилиниши учун;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги органларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва мансабдор шахслар томонидан ахборот соҳасида йўл қўйилган камчиликларни ҳамда қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишларини бартараф этиши тўғрисида ёзма кўрсатмалар бериши учун асос ҳисобланади.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А.Н. Арипов) икки ой муддатда:

оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг тизимини, шу жумладан Интернет тармоғидаги ахборот ресурсларини, йўлдош тизимларни, ахборотлар, шунингдек матбаа маҳсулотлари етказиб бериш ва тарқатишнинг бошқа замонавий воситаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказини юқори малакали мутахассислар билан бутласин ҳамда Марказ ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техник жиҳозланишини таъминласин;

Марказни алоқанинг тегишли турлари, шу жумладан Ҳукумат алоқаси билан, шунингдек унинг Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тузилмасидаги Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази, шунингдек Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлинмаларидаги оммавий ахборот воситалари мониторинги ва техник хизматлар бўлимлари тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (С.Б. Раҳимов) Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш марказининг тугатилиши муносабати билан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигини молиялаштириш кўрсаткичларига ва унинг харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бошқарув ходимлари умумий сонининг Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бошқарув ходимлари сони тегишли равишда қисқартирилиши ҳисобига 62 нафарга кўпайиши;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказининг фаолияти Ахборот-коммуникация техноло-

гияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шу жумладан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар берилганлиги учун давлат божлари тўлашдан тушадиган маблағлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланадиган смета доирасида назорат ва мониторинг органлари таъминотига йўналтириладиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А.Н. Арипов), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш. Шоғуломов) Давлат мулки қўмитаси (М.А. Асқаров) билан биргаликда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг тугатилаётган Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш марказининг телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларини ёзишни ва архивга қўйишни амалга ошириш учун техника воситаларини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг янгидан ташкил этилаётган Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказига бериш ва қабул қилиб олинишини икки ой муддатда белгиланган тартибда амалга оширсинлар.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Ш. Шоғуломов) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказини матбаа ва китоб маҳсулотларининг назорат нусхаларини бепул оладиган ташкилотлар рўйхатига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А.А. Полвон-зода) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 24 ноябрь,  
555-сон

### Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилди) оммавий коммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига, давлат ва тармоқ стандартларига, лицензиялар шартларига риоя этиши устидан мониторинг олиб борувчи ваколатли орган ҳисобланади.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, оммавий коммуникациялар соҳасидаги норматив ҳужжатларга, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруқлари ва норматив ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Мониторинг яқунлари бўйича Марказ томонидан ўз ваколатлари доирасида тайёрланган хулосалар вазирликлар, идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тегишли қарорлар қабул қилиши учун асос ҳисобланади.

4. Марказ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига идоравий мансуб ташкилотдир ва мустақил балансга, банкда ҳисоб рақамига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлган юридик шахс ҳисобланади.

Марказ таркибига унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимлари киради.

5. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шу жумладан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензиялар берилганлиги учун давлат божлари тўлашдан тушадиган ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида назорат ва мониторинг органлари таъминотига йўналтириладиган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиялаштиришнинг бошқа манбалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланадиган смета доирасида Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

### **II. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари**

6. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:  
миллий ахборот макони ва оммавий коммуникациялар воситалари фаолиятининг, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернетнинг глобал тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа

электрон воситаларининг ҳамда матбаа маҳсулотларининг тизимли мониторингини олиб бориш;

оммавий коммуникация воситаларида тарқатиладиган ахборот материаллари мазмунининг ахборот муҳотида шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишни, фуқароларнинг ижтимоий онгига бузғунчи салбий ахборот-руҳий таъсирнинг олдини олишга, миллий-маданий анъаналарини сақлаб қолиш ва уларнинг узвийлигини таъминлашга йўналтирилган республика қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиш;

мамлакатимизнинг оммавий ахборот ва коммуникация воситалари самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни аниқлаш, миллий ахборот бозорининг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

оммавий коммуникациялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи субъектлар фаолияти мониторинги натижалари бўйича умумлаштириш ҳамда қонун ҳужжатлари талабларининг аниқланган бузилишлари бўйича тавсиялар, огоҳлантиришлар ва хулосалар бериш;

янги технологиялар жорий этилишига қараб оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг тизимини такомиллаштириш, ахборот ресурсларини, ахборотни узатиш ва тарқатиш тизимлари ва воситаларини шакллантириш;

қонун ҳужжатларини, ахборот соҳасида норматив-ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибани, замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда оммавий коммуникация воситаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

7. Марказ ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

радио ва теледастурлар, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланиладиган бошқа оммавий ахборотни (космик ва йўлдош алоқа, маълумотларни узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет ва бошқалар) тайёрлаш, шакллантириш, қайта ишлаш, қайта узатиш, эшиттириш ва сақлаш, шунингдек ахборотни исталган узатишда (аудио ва видеокассеталар, компакт-дисклар ва бошқалар) оммавий фойдаланиш учун даврий матбаа ва китоб маҳсулотлари, аудиовизуал маҳсулотлар ва фонограммаларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва сақлаш соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишининг доимий мониторингини ташкил этиш ва олиб бориш;

оммавий коммуникация воситалари (шу жумладан Интернет-нашр ва оммавий ахборот воситаларининг электрон босма турлари) ва оммавий коммуникациялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи бошқа субъектлар томонидан лицензия талаблари ва рўйхатдан ўтказиш шартларига, оммавий ахборот ва рекламани ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек тегишли давлат ва тармоқ стандартларига риоя этилиши мониторингини белгиланган тартибда ташкил этиш ва амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда оммавий коммуникациялар соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилиши мониторингини ташкил этишнинг ҳар хил усулларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда қўллаш;

лицензиялар ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар эгаларига аниқланган камчиликларни белгиланган муддатларда бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

республиканинг оммавий коммуникация тизимларида миллий ўзликни англаш-

ни бузишга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ва урф-одатлардан ажратишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни нобарқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот тарқатилишига қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш;

миллий ахборот маконида Конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришга, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги, суверенитетини бузишга, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний нифокни авж олдиришга, давлат тузумига қарши қаратилган бошқа тажовузлар содир этилишига оммавий даъват этувчи материаллар мавжудлигини, шунингдек уруш, зўравонлик, парнография ва ёвузликни, терроризм ва диний экстремизм ғояларини тарғиб этишга қаратилган ахборотни аниқлаш;

оммавий коммуникация воситаларининг бузғунчи таъсир кўрсатувчи ва фуқароларнинг жисмоний ёки руҳий саломатлигига зарар етказувчи қасддан содир этилган ёки қасддан содир этилмаган хатти-ҳаракатларни аниқлаш;

оммавий коммуникациялар соҳасида субъектлар фаолияти тўғрисидаги хулосаларни, аниқланган камчиликлар ва қоида бузишларни бартараф этишга доир таклифларни тайёрлаш ҳамда тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига белгиланган тартибда тақдим этиш;

оммавий коммуникациялар соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензияларнинг ва ҳўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уларни бекор қилиш борасида қарорлар қабул қилиш учун таклифлар тайёрлаш;

оммавий коммуникациялар соҳасида таклифлар тайёрлаш ҳамда қонунлар ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек техник шартлар, қоидалар, йўриқномалар, лицензиялар шартлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Марказ ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, оммавий коммуникация воситаларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши масалалари бўйича семинарлар, конференцияларда қатнашиш;

ишларни ташкил этишнинг замонавий усулларини қўллаш, янги технологияларни жорий этиш йўли билан, хорижий тажриба асосида оммавий коммуникация воситалари мониторинги соҳасида Марказ фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Марказ ваколатига кирадиган масалалар бўйича давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

ахборот соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни амалга ошириш.

### III. Марказнинг ҳуқуқлари

8. Марказ қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

эфирга узатилган телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, даврий матбаа нашрлари, китоб маҳсулотлари, ҳужжатли материаллар (плёнкалар, кассеталар, дисклар, теле ва радиоэшиттиришларни рўйхатдан ўтказиш журналлари ва бошқалар), рекламани тайёрлаш ва жойлаштириш материалларининг назорат нусхаларини белгиланган тартибда бепул олиш;

оммавий коммуникация воситалари фаолият кўрсатиши масалалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ва илмий муассасаларнинг

вакилларини белгиланган тартибда жалб этган ҳолда зарур экспертизалар ўтказилишини ташкил этиш;

мониторинг натижалари бўйича давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига қуйидаги ҳолларда:

а) Ўзбекистон Республикасининг мавжуд Конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўравонлик билан ўзгартиришга даъват этувчи, уруш ва зўравонлик, ёвузлик, миллий, ирқий ва диний душманлик тарғиб қилинишига йўл қўювчи, давлат сири бўлган маълумотларни ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ошкор этувчи ахборот тарқатилганда, шунингдек жиноий жавобгарликка тортишга олиб келувчи бошқа хатти-ҳаракатлар содир этилганда;

б) фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати оммавий коммуникация воситалари орқали ҳақорат қилинганда, уларнинг шахсий ҳаётига аралашилганда;

в) прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг ёзма рухсатномасисиз дастлабки тергов материаллари эълон қилинганда, суднинг қарори қабул қилингунгача муайян иш бўйича натижаларни олдиндан маълум қилиб қўйиш ёки суднинг қарори ёки ҳукм қонуний кучга киргунга қадар судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш, унинг номини ошкор қилмаслик шарти билан ахборот берган манба ошкор қилинганда (ошкор қилиш суднинг талаби билан амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно);

г) оммавий ахборот ва ахборотлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари бузилганда;

д) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан матбуот, ахборот ва реклама соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганда;

е) оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид бўлган бошқа ҳолларда қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талаблари бузилишига йўл қўйган оммавий коммуникация соҳаси субъектларига, нашриётлар ва матбуот муассасаларига чора-тадбирлар кўриш тўғрисида таклифлар киритиш.

9. Марказ ва унинг ходимлари оммавий коммуникация воситаларининг муассислари, ҳаммуассислари ва ҳомийлари бўлиш, ҳар қандай молиявий тақдирлаш, ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ва олиш, шунингдек олинган махфий маълумотларни ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

#### **IV. Марказнинг тузилмаси ва унинг фаолиятини ташкил этиш**

10. Марказни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ томонидан амалга оширилади.

Марказ бошлиғи билан меҳнат шартномаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори томонидан имзоланади.

11. Марказ бошлиғи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва мазкур Низомга мувофиқ:

Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

кадрларни танлайди ва жой-жойига қўяди, ўз ўринбосарларини ҳамда таркибий бўлинмалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишган ҳолда Марказнинг штат жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Марказ ходимларини ҳал йили аттестациядан ўтказишни ташкил этади;  
Марказга ва унинг таркибий бўлинмаларига умумий раҳбарлик қилади;  
барча ходимлар бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;  
Марказнинг кредитлари ва маблағларини тасарруф этади;  
меҳнат ва хўжалик шартномалари тузади ва уларни бекор қилади;  
давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, жамоат бирлашмалари билан ўзаро ҳамкорликда Марказ номидан ишончномасиз иш кўради.

#### **V. Марказнинг мол-мулки**

12. Марказнинг мол-мулки давлат мулки ҳисобланади ва хўжаликни юритиш ҳуқуқи билан Марказга тегишли бўлади.

13. Асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек қиймати корхонанинг мустақил балансида акс этириладиган бошқа бойликлар Марказнинг мол-мулки ҳисобланади.

14. Марказнинг маблағлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

#### **VI. Ҳисоб ва ҳисобот**

15. Марказ ўз фаолияти натижаларининг статистика ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда статистика ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тузади.

16. Хўжалик фаолиятини, молиявий ҳисоботни, бухгалтерия ҳисоби юритилишининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш учун Марказ аудитор ташкилотни жалб этиши мумкин.

17. Марказ фаолиятини назорат қилиш ҳар икки йилда кўпи билан бир марта режали комплекс текшириш ўтказиш, зарурат бўлганда эса фаолиятнинг айрим турларини режадан ташқари текшириш йўли билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.


#### **VII. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш**

18. Марказни тугатиш ва қайта ташкил этиш (қўшиш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш, қайта ташкил этиш ва номини ўзгартириш) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

19. Марказ тугатилган тақдирда Марказнинг кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулки Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги балансига ўтказилади.



### Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳудудий бошқармасининг намунавий тузилмаси



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**487** Дипломатик корпус, халқаро ноҳукумат ҳамда маҳаллий нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалар вакилларини жазони ижро этиш тизими муассасаларига ташрифини ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
20 ноябрда 1425-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 30 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 12-3-54-сонли Тadbирлар режасига мувофиқ **буюраман:**

1. Дипломатик корпус, халқаро ноҳукумат ҳамда маҳаллий нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалар вакилларини жазони ижро этиш тизими муассасаларига ташрифини ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ички ишлар вазири З. АЛМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 ноябрь

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**488** Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибда-  
ги тадбиркорлар томонидан товар операцияларини  
ва даромадларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
22 ноябрда 1197-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 2 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 августдаги «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 387-сонли (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й. 32-сон, 366-модда) ва 2004 йил 2 сентябрдаги «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 413-сонли (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й. 34-35 сон, 395-модда) қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 20 декабрдаги 139, 2-0-9/26, 2002-92-сонли (2003 йил 8 январь, рўйхат рақами 1197 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 1-2 сон) қарори билан тасдиқланган «Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товар операцияларини ва даромадларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом»га қуйида келтирилган иловага\* асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 ноябрь,  
123-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 ноябрь,  
2004-60-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат статистика қўмитаси раиси **Ғ. ҚУДРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 11 ноябрь,  
10-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **489** Ҳисобот санасидан кейин юз берган воқеаларни банклар томонидан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
23 ноябрда 1426-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 3 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Ҳисобот санасидан кейин юз берган воқеаларнинг банклар томонидан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тўғрисида низом» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.
3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари М. Р. Жумагалдиев зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк Бошқарувининг раиси Ғ. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 ноябрь,  
24/10-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**490** Тижорат банкларининг биргаликдаги фаолиятда иштирокининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
23 ноябрда 1427-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 3 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Тижорат банкларининг биргаликдаги фаолиятда иштирокининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низом» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.
3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари М.Р. Жумагалдиев зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 ноябрь,  
24/11-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВАВИАНАЗОРАТ БОШЛИҲИНИНГ  
БУЙРУҒИ**491** Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг  
радиожихозларига сертификат бериш бўйича йўриқ-  
номани тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
26 ноябрда 1428-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 6 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, халқаро авиацияда тавсия қилинган амалиёт ва стандартлар талабларига мувофиқ Дававианазорат томонидан «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг радиожихозларига сертификат бериш бўйича йўриқнома» ишлаб чиқилди. **буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг радиожихозларига сертификат бериш бўйича йўриқнома\*» тасдиқлансин.

2. Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн кун ичида йўриқнома кўпайтирилиб барча авиакомпаниялар ва манфаатдор шахсларга тарқатилиши таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан ўн кун ўтгач, мазкур Йўриқнома амалга киритилсин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилиши устидан назорат сертификатлаш, лицензиялаш ва парвозлар хавфсизлиги устидан назорат бошқармаси бошлиғи зиммасига юклатилсин.

**Дававианазорат бошлиғи Х. ТРОБОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 ноябрь,  
146-сон

---

\* Йўриқнома рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 20 ноябрдан 26 ноябргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Дипломатик корпус, халқаро ноҳукумат ҳамда маҳаллий нодавлат ва нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалар вакилларини жазони ижро этиш тизими муассасаларига ташрифини ташкиллаштириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2004 йил 1 ноябрдаги буйруғи.*

**2004 йил 20 ноябрда 1425-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 30 ноябрдан кучга киради).**

2. «Савдо фаолиятини амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан товар операцияларини ва даромадларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 11 ноябрдаги 123, 2004-60, 10-сонли қарори.*

**2004 йил 22 ноябрда 1197-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 2 декабрдан кучга киради).**

3. «Ҳисобот санасидан кейин юз берган воқеаларни банклар томонидан бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/10-сон қарори.*

**2004 йил 23 ноябрда 1426-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 декабрдан кучга киради).**

4. «Тижорат банкларининг биргаликдаги фаолиятда иштирокининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/11-сон қарори.*

**2004 йил 23 ноябрда 1427-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 3 декабрдан кучга киради).**

5. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг радиожихозларига сертификат бериш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 9 ноябрдаги 146-сон қарори.*

**2004 йил 26 ноябрда 1428-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 6 декабрдан кучга киради).**

